

*D.M. Suyunov*

*Assistant of the 1st Faculty and Department of Hospital Surgery*

*M. M. Madazimov*

*Professor of the Department of General Surgery*

*A.S. Pakirdinov*

*Senior teacher of the 1st faculty and department of hospital surgery*

*Andijan State Medical Institute of the Republic of Uzbekistan*

**BILIAR IN THE POPULATION OF GERONT, FERGANA REGION  
EPIDEMIOLOGY OF PANCREATITIS**

**Annotatitsiya.** A simultaneous epidemiological investigation was organized in the representative elderly population of 1,500 men and women in the Fergana region. Patients with biliary pancreatitis were studied in 2018-2022. Epidemiological, clinical, biochemical and instrumental methods were used in the investigation based on the criteria and recommendations of the World Health Organization. In the study, the general condition, characteristics and intensity of the pain syndrome, symptoms of intoxication, and disorders of central and peripheral hemodynamics are determined, studied and evaluated during the physical examination.

**Key words:** Population, epidemiology, biliary pancreatitis

*Д.М.Суюнов*

*1-факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси ассистенти*

*М.М.Мадазимов*

*Умумий жаррохлик кафедраси профессори*

*А.С. Пакирдинов*

*1-факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси катта  
ўқитувчиси*

*Андижон давлат тиббиёт институти*

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ГЕРОНТ АХОЛИСИДА БИЛИАР  
ПАНКРЕАТИТ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ**

**Аннотация.** Фарғона вилоятида 1500 та эркек ва аёллардан ташкил этилган репрезентатив кекса ва қари ёшдаги аҳолида бир вақтли эпидемиологик текширув ташкил этилди. Бунда 2018-2022-йилларда билиар панкреатит билан оғриган беморлар ўрганилди. Текширувда эпидемиологик, клиник, биохимик ва инструменталь усуллар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш мезонларидан келиб чиқиб ва тавсияларига амал қилиб қўлланилди. Тадқиқотда физикал текширувда умумий ҳолат, оғриқ синдроми хусусиятлари ва жадаллиги, интоксикация симптомлари ва марказий ҳамда четки гемодинамиканинг бузилишлари аниқланади, ўрганилади ва баҳоланади

**Калит сўзлар:** Популяция, эпидемиология, билиар панкреатит

**Кириш.** Панкреатитнинг келиб чиқишида 40%дан ортиқ ҳолатларда ўт йўллари патологиялари роль ўйнайди. Бу турдаги панкреатит билиар панкреатит деб номланиб, бугунги кундаги жаррохликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Билиар панкреатит куйидаги ўт йўллари касалликлари асосида ривожланади: ўт пуфагининг жойлашуви ва шаклининг нуқсонларида, панкреатик йўли ва холедоха дисталь ҳудудлари торайиши ва кисталарида, Одди сфинктери стенозида (52%), сурункали холециститда (42%), ўт-тош касаллигида ёки холецистэктомия оқибатида (6%) [Цуман В.Г ва б. қ., 2001]. 25% ҳолатларда панкреатитлар қарияларнинг бошқа турдаги ҳазм аъзолари касалликлари сабабли келиб чиқади [Morinville V.D. ва б.қ.,2010; Корниенко Е.А. ва б.қ.,2010 ]. Билиар панкреатит муаммосига ортиқча қизиқиш пайдо бўлаётганлигининг асосий сабаби ушбу касалликнинг кенг тарқалиб бораётганлиги ва тўхтовсиз ўсиб бориши ҳисобланади: умумий клиник амалиётда 0,6% атрофида ва ҳазм аъзолари касалликлари структурасида эса 9% га етгани кузатилади. Охирги 30 йилда касалланиш 2 баробар ошган ва популяцияда ҳар 100 минг аҳолига то 50 тагача етганлик частотаси билан аниқланади. Россияда иқтисодий ва экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлиб, озикланиш сифатининг пасайиши ва умумий ҳаёт тарзи сифатининг камайиши ҳамда алкоголь ва кашандаликни ортиши боис охирги

20 йилда катталарда панкреатитнинг тарқалиши 3 баробарга ортган [Маев И.В ва б.к.,2013]. Охирги йиллар адабиётидаги тахлиллар яна кўрсатади-ки, панкреатит билан кўпроқ 35-50 ёшдагилар хасталанишади, бирламчи ногиронлик 15% ни, илк 10 йил ичидаги панкреатит диагнози қўйилгандан кейинги даврда ўлим частотаси 20% ни ва панкреатит асоратидан бўладиган ўлим 15-20% ни ташкил этади [Scheneider A.et.al.,2007; Белоусова Е.А ва б.к., 2008]. Шунинг учун панкреатитни ва унинг хатар омилларини эрта аниқлаш ҳамда профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш ўта актуаль илмий муаммо деб эътироф этилади.

### **Тадқиқот вазифалари:**

Фарғона вилоятида уюлмаган 60-89 ёшли эркак ва аёллар популяциясида билиар панкреатитнинг эпидемиологиясини ўрганиш ва баҳолаш.

**Материал ва метод:** Фарғона вилоятида 1500 та эркак ва аёллардан ташкил этилган репрезентатив кекса ва қари ёшдаги аҳолида бир вақтлик эпидемиологик текширув ташкил этилди. Бунда 2018-2022-йилларда билиар панкреатит билан оғриган беморлар ўрганилди. Текширувда эпидемиологик, клиник, биохимик ва инструменталь усуллар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш мезонларидан келиб чиқиб ва тавсияларига амал қилиб қўлланилди. Тадқиқотда физикал текширувда умумий ҳолат, оғриқ синдроми хусусиятлари ва жадаллиги, интоксикация симптомлари ва марказий ҳамда четки гемодинамиканинг бузилишлари аниқланади, ўрганилади ва баҳоланади: а) тери ўзгаришлари (рангпарлик, цианоз, сарғайиш); б) Мей-Робсон, Щеткин-Блюмберг симптомларини баҳолаш; в) перистальтик ичак шовқинларини ва характерли перкутор симптоматикани (қорин дам бўлишининг кўзга ташланиши, кучли тимпаник-қорин юқори худудида) аниқлаш; в) динамик ичак тутилиши билан боғлиқ перкутор товушларнинг ўзгариши, қон айланиши бузилиши (тўхтовсиз қайт қилиш негизида) кабилар баҳоланди. Лаборатор текширув ёрдамида амилаземия ва амилазурияни, дислипидемияни, (холестерин ва триглицеридларнинг қондаги даражасини), бемор сийдиги ва

қонидаги креатининни аниқлаш ва амилазокреатинин индекси ҳисоблаб чиқилди. Тадқиқотда жами билиар панкреатитни бутун Фарғона вилояти кесимида ўрганиш натижалари: аёллар гуруҳида 60-74 ёшли 620 нафар, 75-89 ёшли 212 нафар,  $\geq 90$  ёшли 23 нафар, жами 855 нафар аёллар текширилди. Бунда 60-74 ёшли 177 нафар (28,5%), 75-89 ёшли 52 нафар (24,5%),  $\geq 90$  ёшли 13 нафар (56,5%) аёлларда сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. Эркаклар гуруҳида 60-74 ёшли 414 нафар, 75-89 ёшли 45 нафар,  $\geq 90$  ёшли 5 нафар, жами 591 нафар эркаклар текширилди. Бунда 60-74 ёшли 108 нафар (26,1%), 75-89 ёшли 45 нафар (26,2%),  $\geq 90$  ёшли 1 нафар (20,0%) эркакларда сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. (Жадвал №1)

**Жадвал №1**

Ёш гуруҳлари	Аёллар			P	Эркаклар			Умумий популяция		
	n	БП			n	БП		n	БП	
		Абс. сони	%			Абс. сони	%		Абс. сони	%
60 – 74	620	177	28,5%	0,715	414	108	26,1%	1034	285	27,6%
75 – 89	212	52	24,5%		172	45	26,2%	384	97	25,3%
$\geq 90$	23	13	56,5%		5	1	20,0%	82	14	50,0%
$\geq 60 – 90$	855	242	28,3%		591	154	26,1%	1500	396	27,4%
OR:1,12; CI: [0,88 - 1,42]; $\chi^2$ :0,89; p-value>0,05										

Тадқиқотда жами билиар панкреатитнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси орасида тарқалиши ўрганилди. Қишлоқ гуруҳида 60-74 ёшли 656 нафар, 75-89 ёшли 237 нафар,  $\geq 90$  ёшли 21 нафар, жами 914 нафар қишлоқ аҳолиси текширилди. Бунда 60-74 ёшли 185 нафар (28,2%), 75-89 ёшли 65 нафар (27,4%),  $\geq 90$  ёшли 9 нафар (42,9%) геронтологик аҳолида сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. Шаҳар гуруҳида 60-74 ёшли 378 нафар, 75-89 ёшли 147 нафар,  $\geq 90$  ёшли 7 нафар, жами 532 нафар шаҳар аҳолиси текширилди. Бунда 60-74 ёшли 101 нафар (26,7%), 75-89 ёшли 32 нафар (21,8%),  $\geq 90$  ёшли 4 нафар (57,1%) геронтологик аҳолида сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. (Жадвал 2)

**Жадвал. 2**

	Қишлоқ	P	Шаҳар	Умумий популяция
--	--------	---	-------	------------------

Ёш гуруҳлари	n	БП		n	БП		n	БП		
		Абс. сони	%		Абс. сони	%		Абс. сони	%	
60 – 74	656	185	28,2%	0,901	378	101	26,7%	1034	286	27,7%
75 – 89	237	65	27,4%		147	32	21,8%	384	97	25,3%
≥ 90	21	9	42,9%		7	4	57,1%	82	13	46,4%
≥ 60 – 90	914	259	28,3%		532	137	25,8%	1500	396	27,4%
OR:1,14; CI: [0,9 - 1,45]; Хи2:1,13; p-value>0,05										

Тадқиқотда жами билиар панкреатитни аввал ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган аҳолига нисбатан тарқалиши ўрганилди. Ақлий меҳнат қилувчилар гуруҳида 60-74 ёшли 81 нафар, 75-89 ёшли 6 нафар, ≥ 90 ёшли 1 нафар жами 101 нафар ақлий меҳнат қилувчилар текширилди. Бунда 60-74 ёшли 23 нафар (28,4%), 75-89 ёшли 6 нафар (31,6%), ≥ 90 ёшли 0 нафар (0,0%) геронтологик аҳолида сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. Жисмоний меҳнат билан шуғурланувчилар гуруҳида 60-74 ёшли 953 нафар, 75-89 ёшли 365 нафар, ≥ 90 ёшли 27 нафар, жами 1345 нафар жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар текширилди. Бунда 60-74 ёшли 263 нафар (27,6%), 75-89 ёшли 91 нафар (24,9%), ≥ 90 ёшли 13 нафар (48,1%) геронтологик аҳолида сурункали билиар панкреатитнинг белгилари аниқланган. (Жадвал 3)

**Жадвал 3**

Ёш гуруҳлари	ақлий меҳнат			P	жисмоний меҳнат			Умумий популяция		
	n	БП			n	БП		n	БП	
		Абс. сони	%			Абс. сони	%		Абс. сони	%
60 – 74	81	23	28,4%	0,893	953	263	27,6%	1034	286	27,7%
75 – 89	19	6	31,6%		365	91	24,9%	384	97	25,3%
≥ 90	1	0	0,0%		27	13	48,1%	82	13	46,4%
≥ 60 – 90	101	29	28,7%		1345	367	27,3%	1500	396	27,4%
OR:1,07; CI: [0,69 - 1,68]; Хи2:0,1; p-value>0,05										

**Хулоса:** 1.Фарғона вилояти геронтологик гуруҳда аёллар эркакларга нисбатан 12 % га кўпроқ билиар панкреатит касаллиги ривожланишига мойил

эканлиги клиник асосланди [ OR 1.12] , лекин ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI 95%; 0.88- 1.42; p >0,05].

2. Фарғона вилояти геронтологик гуруҳда қишлоқ аҳолиси шаҳарда яшовчиларга нисбатан 14 % га кўпроқ билиар панкреатит касаллиги ривожланишига мойил эканлиги клиник асосланди [OR 1.14] , лекин ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI 95%; 0.9- 1.45; p >0,05].

3. Фарғона вилояти геронтологик гуруҳда ақлий меҳнат билан шуғулланган шахслар жисмоний меҳнат билан шуғулланганларга нисбатан 7 % га кўпроқ билиар панкреатит касаллиги ривожланишига мойил эканлиги клиник асосланди [OR 1.07], лекин ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI 95%;0.69- 1.68; p>0,05].

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Боровиков В. // STATISTICA: искусство анализа данных на компьютере. // Для профессионалов. – СПб.: Питер, 2001.

2. Канюков В.Н., Екимов А.К.// Моделирование в управлении здравоохранением. // – Оренбург: ОГУ, 2010.

3. Ким Дж.-О., Мьюллер Ч.У., Клекка У.Р. и др.// Факторный, дискриминантный и кластерный анализ. // Пер. с англ. Под ред. И.С. Енюкова. – М: Финансы и статистика, 1989.

4. D. Isanova, Y. Azizov, D. Mirzakarimova, M. Solieva, Sh. Abdukodirov, A. Kayumov - Spectrum of Pathogens Derived from Women Diagnosed with Urinary Tract Infections|international journal of current research and review Vol.13•Issue-01•January-2021

5. Оганов Р.Г., Масленникова Г.Я., Шальнова С.А., Деев А.Д.// Значение сердечно-сосудистых и других неинфекционных заболеваний для здоровья населения России // Профилактика заболеваний и укрепление здоровья. – 2002. - № 2.